

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2021 йил декабрь ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси С.Абдусаттаров, судья ёрдамчиси А.Жамолидиновнинг котиблигида, тарафлардан – давлат айбловчиси Учқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Х.Азизов ва Х.Зокиржонов, судланувчи [REDACTED] иштирокида, жабрланувчи [REDACTED] ни қатнашувида [REDACTED] га оид 1-1609-2101/242-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

[REDACTED]
1991 йил 29 январда Учқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўртамахсус, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Учқўрғон тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини 2021 йил 1 декабрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED], 2021 йил 11 сентябрь куни соат 18⁰⁰ да ўзи Учқўрғон тумани, [REDACTED] МФЙда яшовчи қўшниси [REDACTED] билан уй-жой масаласида ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида [REDACTED] ни юз қисмига қасддан боши билан бир мартаба уриб, ўртача оғир тан жароҳати етказган.

[REDACTED] судда айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2021 йил 11 сентябрь куни девор уриш учун пахсага лой тайёрлаб турганида, қўшниси [REDACTED] чиқиб, деворни ушбу жойга урмасликни, 3 мерт ичкарига уришликни, бу ер ўзига тегишли эканлигини айтиб, у билан гап тортишганини, ўзи Г.Кенжаевага ушбу ерда эски деворни ўрни борлигини, агарда хоҳласа уйнинг ҳақиқий эгисини топиб келишни айтганини, шунда [REDACTED] турмуш ўртоғи Х.Джураевга кўнғироқ қилиб уларни жанжал қилаётгани ҳақида нотўғри гаприб чақирганини, бироздан сўнг [REDACTED]

келиб, кўлига уйдан лопаткани олиб чиқиб, хаммани ўлдиришини айтиб бақирганини, шунда ўзининг турмуш ўртоғи [REDACTED] ни лопаткани олиб қўймоқчи бўлганида, лопатка унинг оёғига тегиб йиқилганини, унинг ҳаракатларидан жаҳли чиқиб, [REDACTED] ни юз қисмига бир маротаба боши билан зарба берганини, натижада у тан жароҳати олиб, ерга юз қисмига билан йиқилганини, уларни қўшнилари ажратиб қўйишганини, ҳозирда ўзининг қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашини, суддан ўзига қонуний енгиллик берилишини сўрашини билдириб кўрсатув берди.

[REDACTED] нинг содир этган юқоридаги жиноий ҳаракати ўзининг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланди:

Жабрланувчи [REDACTED] судда, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 11 сентябрь куни соат 18:00ларда кўчада шахсий ишлари билан юрганида, турмуш ўртоғи [REDACTED] кўнғироқ қилиб, қўшнилари [REDACTED] ва унинг оиласи уйнинг ўртасида бўлган ер масласида жанжал қилишаётгани ҳақида айтгани сабабли уйига келганида, қўшниси Ж.Набижонов, унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] ва укаси Достон унинг яшаш уйи олдида бақир-чақир қилишаётганини кўрганини, ўзи уларга ерни ҳақиқий эгасини олиб келишларини айтиб кўчага чиқишганини, шу орада Достон келиб уни юзига мушт билан уриб юборганини, [REDACTED] ҳам келиб кўли билан урганини, [REDACTED] эса уни бош қисмига темир бўлаги билан урганини, натижада хушини йўқотиб ерга йиқилганини, ўзи ерга йиқилиб ётган жойида ҳам уни тепиб дўппослашганини, уларни қўшнилари ажратиб қўйишганини, ўзи олган тан жароҳати туфайли туман марказий шифохонасида даволанганини, судланувчи [REDACTED] га нисбатан қонуний чора кўриб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2021 йил 11 сентябрь куни уйда усталар бўлганлиги ва қурилиш қилаётгани учун бўлиб ўтган жанжални томга чиққанида эшитгани ва кўрганини, қўшниси [REDACTED] кўлига лапатка кўтариб чиқиб хаммани ўлдиришини айтганида, укаси [REDACTED] ни уларни ажратиши учун чиқариб юборганини, шунда [REDACTED] лапаткани олмоқчи бўлганида йиқилганини, шунда [REDACTED] келиб уни бурнига бир маротаба калласи билан урганини, [REDACTED] йиқилиб тиззалаб ўтириб қолганини, уларни укаси [REDACTED] ва [REDACTED] ажратиб қўйганини, жанжал тугаб “Нексия” русумли автомашинасида [REDACTED] касалхонага олиб кетилганини, ушбу жанжал вақтида [REDACTED] ни [REDACTED] дан бошқа ҳеч урмаганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 11 сентябрь куни куни соат 18:30 ларда акаларини турмуш ўртоқлари яъни келин аялари [REDACTED] билан бирга маҳаллани бошидаги кафега чиқиб кетаётганларида, ортиларидан “[REDACTED]” русумли автомашина тез ўтиб кетиб, қўшниси [REDACTED] ни уйи олдида тўхтаганини, [REDACTED] автомашинадан тушиб уйига кириб кетганини, улар ўтиб кетганларида бақир чақир бўлиб кетгани учун ортига қараганини, шунда [REDACTED] кўлига лапатка кўтариб

чиқганини кўрганини, [REDACTED] лапаткани олиб кўймоқчи бўлганда лапатка тегиб йиқилганини, [REDACTED] суриб юборганини, шунда [REDACTED] йиқилганини, жанжал вақтида [REDACTED] фақат Ж.Набижонов урганини кўрганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 11 сентябрь куни соат 18:30 ларда овсини ва қайнсинглиси билан бирга маҳаллани бошидаги кафега чиқиб кетаётган вақтларида, ортиларидан “[REDACTED]” русумли автомашина тез ўтиб кетиб қўшниси [REDACTED] ни уйи олдига тўхтаганини, [REDACTED] уйига кириб кетганлигини, пиёда ўтиб кетаётганларида [REDACTED] уйида ора девор урилмаслигини, ҳеч ким кўлини ҳам тегизмаслигини айтганлигини эшитганини, улар ўтиб кетганларида бақир-чақир бўлиб кетганлиги учун ортига қараганини, шунда [REDACTED] кўлига лапатка кўтариб чиқганини, [REDACTED] лапаткани олиб кўймоқчи бўлганда лапатка тегиб йиқилганини, [REDACTED] суриб юборганини, [REDACTED] ерга йиқилганини, жанжалда [REDACTED] фақат [REDACTED] урганини кўрганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 11 сентябрь куни турмуш ўртоғи [REDACTED] ва қайноғаси [REDACTED] билан биргаликда ҳовлиснинг ўртасидаги деворни уриш мақсадида лой тайёрлашганини, шу вақт кўшниси [REDACTED] девор олдига келиб, пахсани ушбу жойга урмасликни, ер ўзига тегишли эканини, 3 мерт жой ташлаб кейин девор уришларини айтганини, ўзининг турмуш ўртоғи [REDACTED] га ушбу пахсани аввалги деворни ўрнига қуришаётганини, агарда хоҳласа ерни ҳақиқий эгасини бошлаб келишини айтганини, [REDACTED] уларнинг гапларига қулов солмай турмуш ўртоғи [REDACTED] кўнғироқ қилиб, уларни ер таллашиб жанжал қилишаётганини айтиб чақирганини, бироздан сўнг [REDACTED] келиб, уйдан кўлига лапаткани олиб чиқиб бақир-чақир қилганини, ўзи унинг кўлидаги лапаткани олиб кўймоқчи бўлганида, лапаткани сопи ва темир қисмига унга тегиб ерга йиқилиб қолганини, шунда турмуш ўртоғи [REDACTED] ни кўлидан лапаткани олиб, [REDACTED] ни олдига ташлаганини, [REDACTED] лапаткани уйининг ичкарасига отиб юборганини, лекин [REDACTED] тинчланмасдан бақир-чақир қилиб, уйдаги лапаткани яна олиб чиқганида, қайноғаси [REDACTED] лапаткани олиб кўйганини, шу вақтда турмуш ўртоғи [REDACTED] нинг жахли чиқиб, [REDACTED] юзига бир маротаба боши билан уриб юборганини, уларни қўшнилари ажратиб кўйишганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 11 сентябрь куни соат 18:30 ларда акаси [REDACTED] нинг яшаш уйида девор уриш учун лой тайёрлашаётган вақтларида, қўшнилари [REDACTED] девор олдига келиб, пахсани 3 март жой ташлаб уришларини, ушбу ер унга тегишли эканлигини айтиб улар билан ўзаро гап таллашиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] кўнғироқ қилиб чақирганини, бироздан сўнг [REDACTED] уларни олдига келиб, яшаш уйдан лапаткани олиб чиқиб бақирганини, шунда келинойиси [REDACTED] лапаткани олиб кўймоқчи бўлганида, келинойиси

га лопаткани тегиб ерга йиқилиб тушганлигини, бундан акаси жахли чиқиб, Х.Джураевни юз қисмига боши билан уриб юборганини, натижада ерга юз қисми билан йиқилганини, уларни қўшнилари ажратиб қўйишганини, ушбу куни ўзи бирор-бир шахсини уриб дўппосламаганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ судда, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 11 сентябрь куни яшаш уйи ҳовлисига чиққанида, қўшнилари, унинг турмуш ўртоғи ва укаси ўтин ёраётганини кўриб, улардан нима қилишаётганликларни сўраганини, Ў.Жамалова уйларининг ўртасига девор ўришаётганликларини айтганини, ўзи унга деворни 3 метр ичкарига қуришларини, ушбу ер унга тегишли эканлигини айтганида, деворни ушбу жойга қуришларини, агарда хоҳласа уйни ҳақиқий эгасини бошлаб келишини айтганини, шунда ўзи турмуш ўртоғи кўнғироқ қилиб чақирганини, бироздан турмуш ўртоғи етиб келиб, Ж.Нажмиддиновга бу ерда нима бўлаётганини сўраганини, шунда Ў.Жамалова ва унинг қайнонаси турмуш ўртоғи “келгинди сен хўжайин эмассан” деб айтишганини, турмуш ўртоғи бу гапларни эшитиб ғазабланиб турган вақтида, ўзи уларга тенг келмасликни тушунтириб, турмуш ўртоғини ташқарига олиб чиқиб, эшикни қулфлаш учун уйга кириб, қайтиб чиқганида, укаси ва турмуш ўртоғи дўппослаб уришаётганини кўрганини, ўзи уларни ажратишга кучи етмаганини, атрофдаги қўшнилари уларни ажратиб қўйишганини, шундан сўнг турмуш ўртоғи олган тан жароҳати туфайли шифохонага кетганини билдириб кўрсатув берди.

СТЭИАМ Норин туманлараро бўлинмасининг 2021 йил 18 сентябрдаги 2056/1259-сонли хулосасига кўра нинг баданида аниқланган тан жароҳатлари бош мия ёпиқ шикасти, мия чайқалиши, бурун суягини ёпиқ синиб силжиши, иккала қовоқ, бурун соҳаси қонталаши, ўнг жағ, иккала тизза соҳасида шилинма кўринишида бўлиб оғирлик даражасига кўра ўртача оғир тан жароҳати гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, кўрсатувини ва жабрланувчининг кўрсатувини тинглаб, судланувчининг айби ўзининг айбига иқроор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви, жиноят ишида мавжуд бўлган билдирги, ариза, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш баённомаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, судга оид тиббий экспертиза хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд [REDACTED]нинг юқоридаги, яъни фуқаро Х.Джураевнинг баданига қасддан ўртача оғир тан жароҳати етказганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Гарчанд жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида 2021 йил 11 сентябрь куни уни Ж.Набижоновни бир ўз эмас, унинг турмуш ўртоғи Ў.Нажмиддинова ва Д.Бердиёров биргаликда уриб дўппослашганликларини баён этган бўлсада, судда сўралган гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED] ва У.Қодирова жанжал вақтида жабрланувчи [REDACTED]ни бир ўзи боши билан уриб жароҳат етказгани ҳақида кўрсатмалари ҳамда иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндиси билан унинг бу мазмундаги кўрсатувини ўзи учун ўйлаб топган важлари деб баҳолаб, суд муҳокамасидан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖКнинг 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, деб кўрсатилган.

Суд, [REDACTED] жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмасада, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, оилавий шароитини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, айбланаётган моддаси санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Шунингдек дастлабки тергов даврида жиноят ишига қўшилган, судланувчи Ж.Набижоновни ҳимоя ҳуқуқлари тушунтирилгани ва ҳимоячи хизматидан воз кечгани тасвирланган видеоёзувли 1 донна DVD дискни жиноят иши билан биргаликда сақлашни лозим топади.

Суд жиноят оқибатида етказилган зарарларни муҳокама қилиб, жабрланувчига мазкур жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарни ундириш масаласида тасдиқловчи ҳужжатлари билан белгиланган тартибда

фукаролик судига мурожаат қилиб ундириб олиш ҳуқуқлари борлиги тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини назорат қилувчи ички ишлар органлари белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб, жазони ўташ учун юборилган жойда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ҳукмни ижросини таъминлаш Учқўрғон туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Эҳтиёт чораси муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

жабрланувчига мазкур жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарни ундириш масаласида тасдиқловчи ҳужжатлари билан белгиланган тартибда фукаролик судига мурожаат қилиб ундириб олиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишига қўшилган судланувчи Ж.Набижоновни ҳимоя ҳуқуқлари тушунтирилгани тасвирланган 1 дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

С.Абдусаттаров

Ҳукм аслига тўғри

Туман судининг раиси

С.Абдусаттаров